Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины – здоровье

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2008 йил 20-26 июнь № 24 (592) Жума кунлари чиқади



## КУТУБХОНА ФОНДИМИЗНИ БОЙИТАЙЛИК!

***Замонавий тиббиёт билимини кенг жамоатчиликка, хусусан тиббиёт ходимларига етказишда ишлаб чиқарувчи турли нашрлар ҳамда илмий-амалий кутубхоналар фаолияти аҳамиятга молик. Шу маънода жорий йилнинг 13 июнь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида Москва шаҳрининг «ГЕОТАР-Медиа» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Медкнигасервис» нашриёт уйи бош директори, профессор Булат Нигматулин билан давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Мазкур учрашувни ташкил этишдан асосий мақсад тиббиёт илми салоҳиятини юксалтириш, кадрлар малакасини ошириш ҳамда замон билан ҳамнафас руҳда яратилган нодир тиббиёт қўлланмаларини соҳа вакилларига етказишдан иборатдир. Москванинг кўзга кўринган нашриётлари қаторида «ГЕОТАР-Медиа» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳам яқин йиллар ичида чоп этган турли йўналишлардаги ўқув-қўлланмалари, энциклопедия тўпламлари ҳеч шубҳасиз жаҳон бозорида ўзининг сифат-самардорлиги ва оммабоплиги билан алоҳида қимматга эга.

Учрашув аввалида сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров бугунги тиббиёт фани ютуқлари ва тараққиётини ўзида акс эттирган зарурий ўқув-қўлланмаларини соҳа мутахассисларига, айниқса, тиббиёт билим юртларида таҳсил олаётган талабалар ва ёш олимларга етказишда асосий манба бўлишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, давра суҳбатида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари, республикамизнинг тиббиёт олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар иштирок этиб, келгуси таълим жараёни ҳамда кутубхона фондини бойитиш бўйича ишлаб чиқарувчи нашриёт раҳбари билан ҳамкорлик шартномаларини тузиб олдилар.

**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Сурат муаллифи: Анваржон САМАДХОДЖАЕВ.**

*Тадбир*

## ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Қарши шаҳридаги «Эзгулик» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказида «Аёлларнинг репродуктив саломатлиги: ютуқлар ва муаммолар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда репродуктив саломатлик – нафақат репродуктив тизимга оид касалликлар ва муаммоларнинг, балки жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий ҳолат уйғунлиги ҳақида сўз борди.

Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ташаббуси билан ташкил этилган ушбу давра суҳбатида шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шунингдек, вилоят «Скрининг маркази» ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги ютуқ ва муаммолар ҳақида гапирдилар. Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтган ушбу давра суҳбатида ҳомиладорлик ва ҳомила ривожланишининг илк босқичларида ногирон болаларнинг туғилишини аниқлаш ҳамда унинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ.**

**ОБУНА – 2008**

***Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига!***
***Тиббиётдаги янгиликлар сари одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган***
***«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2008 йилнинг иккинчи ярим йили учун обуна мавсуми давом этмоқда.***
**Буни унутманг!**
**Нашр индекси: 128.**

*2008 йил – Ёшлар йили*

## МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

***Мустақил Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган буюк давлатга айланиши, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, 4 асосий негизга: умуминсоний қадриятларга содиқликка, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантиришга, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишга ҳамда ватанпарварликка асосланади. Шунга биноан талабаларда бу омилларга муносабатни миллий менталитетимиз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижобий шакллантириш таълим сифатини ошириш омили бўлиб, шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.***

Талаба ёшларда мамлакатимиз мустақил тараққиёти жараёнида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий вазифаларнинг туб моҳиятини англайдиган ва уларни бажаришга тайёр ва қобил, юқори малакали мутахассислар ҳамда комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларда ўз-ўзини англашнинг ахлоқий асосларини, мантиқий фикрлашни, жамоани бошқариш малакаларини шакллантириш, уларни ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз шахсини камолга етказиш усулларини эгаллашга ёрдам беришдан иборатдир.



**Бу жараён эса бевосита талабалар орасида маънавий масалаларни ҳал қилишнинг фалсафий омилларини аниқ белгилаш ва таълим олиш сифатини ошириш билан боғлиқ бўлиб, улар асосан қуйидагилар:**

*- талаба ва ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар заминида мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий фуқаролари этиб шакллантириш, уларда миллий ғурурни, миллий онгни шакллантириш, миллий онг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий тараққиёт масалаларида миллий манфаатларининг ўрнини англаш, Ватан ва миллат олдидаги фуқаролик ва фарзандлик бурч ва вазифаларини бажаришга тайёрлаш;*

*- мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий омилларини ўрганиш ва тегишли чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш;*

*- талаба ва ўқувчиларда илмга, меҳнатга масъулият муносабатини тарбиялаш, касб танлашни тўғри йўлга қўйиш, танлаган касбга меҳр туйғуларини уйғотиш ва такомиллаштириш. Бу борада мисол тариқасида айтиш мумкин, айни пайтда тиббиёт олий ўқув юртларида, айниқса, Тиббиёт академиясида (олдинги 2-ТошМИ) ҳар йили сентябрь ойида ўтказиладиган "Клиникага йўл" тадбири талабаларни касбга меҳр ва таълимга бўлган интилишини кучайтирадиган зарурий тадбирлар сирасига киради. Негаки бу тадбирда қўйилган масалалар талабалар клиник таълимга илк қадам қўйган давр учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.*

**Шунингдек, талабаларда маданий-маънавий миллий меросимизга эҳтиром руҳини тарбиялаш, тарихимизни мукаммал ўзлаштириш, маънавий қадриятларни қайта тиклаш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, умуминсоний қадриятларга содиқликни шакллантириш ва юксалтириш;**

*- талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва миллий қадриятларимизни эъзозлашга ўргатиш мақсадида турли-туман ҳарбий ва фуқаролар мудофаасига оид олимпиада мусобақаларини ўтказиб туриш;*

*- талаба ёшларнинг маънавий соғломлиги ва жисмоний баркамоллигини кенг қамровли спорт мусобақалари билан мустаҳкамлаш.*

**(Давоми 2-бетда).**

**Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz**

## 2008 йил — Ёшлар йили

# МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Уларда эстетик тарбияни шакллантириш, гўзалликни ҳис қилиш, уни шоирона ифодалаш малакаларини шакллантириш, ҳар бир янги кун учун қувонч руҳини тарбиялаш. Ёшларда санъат ва адабиётнинг барча турларига қизиқиш уйғотиш, бадиий адабиётга муносабатни, мустақил ишлаш ва мустақил фикрлашни шакллантиришни йўлга қўйиш. Шунингдек, талаба ёшларга миллий тилга ҳурматни тарбиялаш билан бир қаторда бошқа тилларни ўрганишнинг аҳамиятини тушунтириш.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида оммавий-ахборот воситаларидан фойдаланишни кенг кўламда йўлга қўйиш, радио, телевидение ва матбуотда изчил чиқишларни ташкил қилиш каби қатор йўналишлар таълим сифатини оширишга жиддий таъсир ўтказади. Бу борада тиббиёт институтлари жамоаси томонидан сезиларли ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этмоқ лозим.

Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги академия ва институтларда маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган режа асосидаги тадбирлар негизида етарли даражада бажарилишига эришилмоқда десак, хато бўлмайди. Тарбиявий тадбирларда талабаларга мамлакатимизда кечаётган ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданият ислоҳотларга муносабатини аниқлашга, моддий-маънавий аҳволини ўрганишга қаратилган фаолиятлар олиб борилиб, уларнинг натижаларига кўра тарбиявий ишлар режаси тўлдириб борилади. Талаба ва ходимларнинг кундалик турмуш маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш борасида, ўқув юрти ходимларининг, талабаларнинг атроф-муҳитга, ўзлари ўқиётган ва ишлаб-ўқиб турган жойларга ўзи ва атрофдагиларнинг сиҳат-саломатлигига нисбатан онгли, маданий ва масъулиятли муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган тадбирлар олиб борилади. Булар барчаси талабалар ва ходимлар онгининг бу борадаги ижобий ривожланишига кучли омил бўлиб хизмат қилиши қўлга киритилган самарадорлик мезонларидан аниқ кўринади. Маънавий-маърифий масалаларнинг барчасида олиб борилаётган фаолиятлар талабалар ва ходимларнинг ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, маънавий жиҳатдан баркамол, мустақил фикрловчи, мустаҳкам иродали ва соғлом, шунингдек, талабаларнинг ўзлари танлаган ихтисослик бўйича зарур билимларни атрофлича эгаллаш учун барча имкониятларни яратишга қаратилган.

Талаба қизлар орасида "Мен ТошМИ қизиман", "Қизларимиз гўзал ва зукко" мавзусида курс ва факультетлар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов ҳар жиҳатдан, айниқса, диққатга сазовордир. Негаки, бу танловда асосан дарсларни доимий равишда ўзлаштириб борадиган талабалар иштирок этиши талабаларнинг дарсларга доимий қатнаши ва унинг сифатига ижобий таъсирини ўтказмоқда. Йил давомида институт "Тиббиётнома", "Шифокор" ва "Педиатр" рўзномаларида ижодкор ёшлар клуби аъзолари томонидан бериб борилган бадиий чиқишлар кўпчиликка ўрнак бўларлидир. Улар ўзларининг ҳамфикрларини ва янги-янги талаба ёшларни бадиий ижодга йўллайди. Ҳар йил анъанага айланган сентябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган "Олтин куз", "Талабалик баҳори" каби бадиий ҳаваскорлик фестивалларида барча факультет талабалари фаол иштирок этадилар. Талабалар уйлари бўйича ўтказилган факультетлараро кўрик-танловда ҳам худди шундай барчанинг фаол иштирокини кузатиш мумкин. Бу борада мураббийлар, устоз ва шогирдлар иш фаолиятининг муҳим ўрин тутганлигини қайд этиш лозим. Айтиш лозимки, тиббиёт олий ўқув юртларида ўтказиладиган ҳар бир тадбирда касаба уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маънавият ва маърифат масалалари бўйича декан муовинлари, мураббийлар кенгаши, хотин- қизлар қўмитаси, талабалар кенгаши, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари, маданият уйи, спорт соғломлаштириш комплекси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатадилар ва бу ўзининг ижобий самарасини беради.

Масалан, ҳар йил сентябрь ойининг охири ва октябрь ойининг бошида 1-курс талабалари ўртасида волейбол, баскетбол, стол тенниси, катта теннис ва кичик футбол бўйича спартакиада ўтказилади. Октябрь, ноябрь ойларида талабалар уйида шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ҳам мусобақалар ўтказилади. Ўзбекистон Қуролли кучлари кунига бағишланиб армрейстлинг, "Наврўз" умумхалқ байрамига бағишланиб факультетлараро кичик футбол ва волейбол олий ўқув юрти ходимлари ўртасида шахмат, стол тенниси, волейбол ва баскетбол турлари бўйича факультетлараро мусобақалар ўтказилади. Баскетбол бўйича Тиббиёт академияси (собиқ 1-2-ТошДавТИ), Шарқшунослик институти, ТТУ ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтлари билан ўтказилган ўртоқлик учрашувларининг муваффақиятли ўтганлигини жамоат ташкилотлари ва ўқув юрти жамоасининг ҳамжиҳатлиги самарасидир. Спорт ўйинларининг тури кўпайган сайин талабаларнинг дарсларга қатнашиши даражаси кўтарилиб борганлигини кузатдик. Албатта, маънавий баркамоллик ва маънавий юксалиш бевосита маърифат билан боғлиқдир. Маърифат бу фақат саводхонлик эмас, балки илм, маданият ва инсон қалбининг нуридир. Маърифат бу ёшларимизда бой маданий меросимиз, буюк аждодларимиз ва уларнинг таълимотларини ўрганиш орқали чуқур ҳурмат, улардан фахрланиш ҳиссини уйғотишдир. Маърифат комил инсон ғоясининг моҳиятини тушуниш ва унга бевосита амал қилишга интилишдир.

Ёшлар маърифатли бўлиш орқали маънавий баркамол инсон бўладилар ва ўз касбларининг ҳақиқий жонкуярларига айланадилар. Ватан учун кўпроқ тер тўкишга ҳаракат қиладилар. Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёни бормоқда. бу ўз-ўзидан вужудга келадиган жараён эмас. Бунинг учун ҳуқуқий саводхон бўлишимиз ҳам заруратдир. Ҳуқуқий саводхонлик ҳам маънавиятнинг муҳим белгиларидан биридир. Талабаларда қонунларни билиш ва уларни ҳурмат қилиш давлат тузумига садоқатли бўлишни шакллантиришдан иборат. Ҳуқуқий саводхонлик жиноятларнинг олдини олиш, талабаларда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятини туғдиради. Маърифат бу тарбия ҳамдир. Тарбияни ўйламай туриб ёшларни маърифатга йўналтириш қийин. Шунга кўра талабаларнинг маънавий ва маърифий камолотида мураббийлар, устоз ва шогирд фаолиятига катта эътибор талаб қилади. Мураббий, устоз энг аввало ҳар бир талаба билан алоҳида танишиши, оилавий шароити, кайфияти, руҳий кечинмаларини тўла ўрганиб шунга асосан талабаларнинг ҳар бирига индивидуал муомала қилмоғи зарур. Мураббий, устозлар доимо масъулиятни ҳис қилмоғи талабаларда ўзаро ҳурмат, самимийлик, садоқат, бурч каби сифатларни шакллантириш мақсадида режа асосида маълум тадбирларни амалга оширмоғи лозим. Бу тадбирлардан ўтмишдаги маънавият ва маданиятни ўрганиб, тегишли хулосаларга келишни ва ҳаётга татбиқ қилиши лозим. Мураббий, устозлар тарбия беришидан олдин, ўзи тарбияланган, одобахлоқли, хуш хулқ-атворли, умуман олганда, ўзи ўрнак бўлмоғи лозим. Унинг берган сабоқлари билан қилган ишлари мос келиши зарур. Шундагина мураббий, устоз талабага таъсир қила олади, ишлари унумли ва самарали бўлади, унинг берган тарбияси бежиз йўқолиб кетмайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий-тарбиявий тадбирларнинг мақсади она юртимиз истиқлоли, истиқболи йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган ватанпарвар шахсни шакллантиришга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айганда, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсати кенг кўламда амалга оширилаётган ҳозирги долзарб кунда, айниқса, "Ёшлар йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг маънавий баркамоллигини юксалтириш, уларни ҳаётга ўргатишда муҳим роль ўйнайди.

**Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган таклифлар:**

*1. Камолот ЁИҲ фаолиятини янада эркинлаштириш заруратини эътиборга олиш;*

*2. Талабалар яшаш жойларидаги жамоат ташкилотларининг ўз-ўзини бошқариш тизимининг ҳуқуқларини кенгайтириш;*

*3. Талабаларнинг ўз маҳаллий эшиттиришлари маънавий тарбияга катта кўмак беришини эътиборга олиб, талабалар яшаш жойларини радиолаштириш;*

*4. Ўқув юртларининг кўп тиражли газеталарида талабалар томонидан берилган материалларни, айниқса, бадиий ижод намуналарини ва шарҳларни мунтазам бериш талабалар маънавиятига ижобий таъсир кўрсатади.*

*5. Талаба ёшларни китоб ўқишга қайтаришнинг китобхонлар конференцияси, викторина ва бошқа мувофиқ йўллардан унумли фойдаланиш;*

*6. Турли хил кўнгилочар ва тарбиявий-илмий аҳамиятга молик тўгараклар сонини кўпайтириш;*

*7. Тадбирларнинг сонига қараб эмас, самарадорлигига қараб унинг натижаларини мониторинг қилиб бориш натижасида уларни янада оммалаштириш;*

*8. Устоз ва шогирд тизимини кенг жорий қилиш;*

*9. Талабаларга ибратомуз мисолларни аввало ўз Ватанимиз тимсолида келтиришимиз ва лозим бўлса жаҳон миқёсидагиларга мурожаат қилишимиз талабалар маънавиятига ижобий таъсир қилишини эътиборда тутиш.*

**Ўрол АБИЛОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор, ССВ Маънавият ва маърифат маркази раҳбари.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент Фармацевтика институти

**2008-2009 ўқув йили учун давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**БАКАЛАВРИАТ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРГА:**

5720500 - ФАРМАЦИЯ
5720700 - САНОАТ ФАРМАЦИЯСИ
5522900 - БИОТЕХНОЛОГИЯ
5140900 - КАСБ ТАЪЛИМИ
5720800 - КЛИНИК ФАРМАЦИЯ
5720900 - КОСМЕЦЕВТИКА

**Ўқишга кириш истагида бўлган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- *ректор номига таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолда ариза;*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.*

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати – 2008 йил 20 июндан 20 июлгача.**

**МАГИСТРАТУРА БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА:**

**5А522902** - ИММУНОБИОЛОГИК ВА МИКРОБИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ
**5А720501** - ФАРМАЦИЯ МЕНЕЖМЕНТИ ВА ИҚТИСОДИЁТИ
**5А720503** - ФАРМАЦЕВТИК ТАҲЛИЛ ВА ФАРМАКОГНОЗИЯ
**5А720504** - ДОРИ ТУРЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ
**5А720701** - САНОАТ МИҚЁСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Ўқишга кириш истагида бўлган бакалавр даражасига эга бўлганлар ва дипломли мутахассислар институт қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- *магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда институт ректори номига ариза;*
- *олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.*

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хазматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати – 2008 йил 1 июлдан 30 июлгача.**

**Қўшимча маълумотларни www.pharmi.uz. сайтидан олиш мумкин.**

**Хулоса қилиб айтганда Бухоро тиббиёт институти умумий амалиёт врачларини тайёрлаш марказлари ва уларнинг тасарруфидаги клиник базаларда бугунги кунда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишлари олиб борилмоқда**



2008 й
№6

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

Осиё тараққиёт банки

Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

## «Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари



**«Health – 2»**
**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**

**Проекты «Здоровье – 2»**
**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**



# МАҚСАД: КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

***(Бухоро Давлат тиббиёт институти тасарруфидаги умумий амалиёт врачлари тайёрлаш ўқув-даволаш марказлари фаолиятидан)***

## ЕТУК МУТАХАССИС – ДАВР ТАЛАБИ

***Бухоро Давлат тиббиёт институти тасарруфидаги умумий амалиёт врачлари тайёрлаш ўқув-даволаш маркази шу номли кафедра асосида ташкил қилинди. Бугунги кунда ушбу марказлар сони 2 та бўлиб, ҳар иккала марказ "Саломатлик" лойиҳаси дастури асосида фаолият олиб бормоқда.***

Ўқув маркази 1999 йилда ташкил қилиниб, унда илк қалдирғочлар сифатида Навоий вилоятидан умумий амалиёт врачларини тайёрлаш дастури бўйича малака ошириш учун қишлоқ врачлик пунктларининг 21 нафар врачлари қабул қилинди. Шу билан биргаликда мазкур марказда Бухоро Давлат тиббиёт институтининг 6-7-курс талабалари ҳам ўқишмоқда. 1999-2000 йилларда марказ замонавий ва янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 1998-2007 йиллар давомида марказнинг 21 нафар ўқитувчилари Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида 11 ойлик умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бўйича махсус малака ошириш курсида таҳсил олиб, ҳозирги кунда фаолият олиб бормоқдалар. Бунинг баробарида педагогларнинг аксарият қисми МДҲ давлатлари, шунингдек, Европа ва АҚШ клиника, илмий текшириш муассасаларида ўз тажрибаларини ошириб келмоқдалар.

"Саломатлик" лойиҳасининг давом эттирилиши муносабати билан иккинчи ўқув-даволаш маркази 2004 йил сентябрь ойидан ташкил қилинди. Бугунги кунда ҳар иккала марказ фаол равишда иш олиб бориб, малакали мутахассислар етиштиришга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, марказда 7-курс талабалари учун умумий амалиёт врачларини тайёрлаш дастури буйича, "Тез тиббий ёрдам ва тиббиётда янги технологиялар", 6-курс талабалари учун эса "Педиатрия" ва олий маълумотли ҳамширалар учун "Оила тиббиёти" фанлари ўтилади. Шунингдек, марказда Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидан келган қишлоқ врачлик пунктларининг врачлари ҳам умумий амалиёт врачлари этиб тайёрланади. Дарслар блок тизим асосида олиб борилади. Ўқув жараёни ва амалиёти ўқув марказларида, шунингдек, 5 та ҚВПда, вилоят болалар касалхонасида, 2-вилоят касалхонасида, вилоят кардиология диспансерида олиб борилади. Тор мутахассисликлар бўйича дарслар оториноларингология, офтальмология, тери таносил касалликлари шифохонаси, акушерлик-гинекология бўлими, хирургия бўлимларида тингловчилар ва талабаларга фан ўқитувчилари томонидан дарс ўтилиши жорий қилинган бўлиб, уларни ўқитиш жараёнида замонавий технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, маъруза машғулотлари мультимедиа асосида компьютер орқали олиб борилади. Талабалар дарс давомида турли хилдаги муляжлар, компьютер ва энг замонавий адабиётлардан кенг фойдаланишлари мумкин. Кафедра кутубхонаси доимо талабалар ва тингловчилар билан гавжум. Талабалар билимини назорат қилиш дастур ва рейтинг Низомига асосан жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш тарзида олиб борилади. Якуний баҳолашда талабалар ва тингловчилар ўқув курси давомида олган назарий ва амалий кўникмалари асосида кўп жавобли тест топширадилар. Тестлар замонавий тарзда тузилган ҳолда, бугунги талабларга тўла жавоб беради. Бундай усул талаба тест саволларига жавоб бераётганда унинг фикр доирасини кенгайтириб, тиббиётдаги билимий кўникмаларини юзага чиқаради. Яна шуниси эътирофлики, талаба ва тингловчилар дарс жараёнида лойиҳалар ёзиб, ўқув курси якунида ушбу лойиҳа асосида тақдимот ўтказадилар. Лойиҳаларнинг ёзма варианти марказ кутубхонасида фойдаланиш учун сақланади. Шунингдек, талабалар дастур асосида навбатчилик, касаллик тарихлари ҳам ёзадилар. Маъруза машғулотлари жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланган хоналарда олиб борилади.

**Марказнинг илмий йўналиши "Оила ва саломатлик масалалари" ҳисобланиб, бу борада у ерда фаолият юритаётган ассистентлар илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Илмий йўналишнинг мақсади шундан иборатки, тиббиётнинг бирламчи бўғинида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масалалари, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, фертил ёшидаги аёллар, геронтологик ва гематологик беморлардаги касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга тиббий хизматни ўз вақтида кўрсатишга қаратилган.**

"Саломатлик-1 ва 2" лойиҳалари доирасида умумий амалиёт врачларини тайёрлаш дастури бўйича кафедрада 7 йил давомида Навоий вилоятидан 142 нафар, Сурхондарё вилоятидан 93 нафар, Қашқадарё вилоятидан 67 нафар, Бухоро вилоятидан эса 198 нафар қишлоқ врачлик пунктлари врачлари қайта тайёргарликдан ўтишди.

Хулоса қилиб айтганда, БухТИ умумий амалиёт врачларини тайёрлаш марказлари ва уларнинг тасарруфидаги клиник базаларда бугунги кунда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассислар тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг интерактив формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бунинг учун марказларда етарли даражада кадрлар салоҳияти, замонавий технологиялар мавжуд. Ўқув марказларининг ходимлари бор имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш йўлида янги изланишлар олиб бормоқдалар.

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони эълон қилинган эди. Ушбу фармоннинг муҳим йўналишларидан бири Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида умумий амалиёт врачлари (оила врачи) фаолиятини татбиқ этишдир. Мазкур дастурни амалда татбиқ этиш мақсадида 2002 йил 1 декабрдан "Саломатлик-1" дастури асосида 4-сон шаҳар поликлиникасида умумий амалиёт врачлари (УАВ)ни тайёрлаш маркази қошида "Умумий амалиёт врачлари" бўлими ташкил қилинди. Марказга 7 та даҳа бириктирилиб, оилавий врач 9000 аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлади.***

## УМУМИЙ ВРАЧЛИК АМАЛИЁТИДАГИ ЗАРУРИЯТ

Бўлимда УАВ доирасида гинекология мутахассилиги бўйича поликлиникада фаолият кўрсатаётган аёллар маслаҳатхонаси бўлими врачлари ва Бухоро Давлат тиббиёт институти акушерлик ва гинекология кафедраси ходимлари ҳамкорлигида амалий тажриба алмашинган ҳолда олиб борилади. Шу билан бир қаторда гинекология хонасига юқори малакали доя масъул қилиб тайинланди, акушерлик ва гинекологик кўрувлар врач ва доянинг биргаликдаги кўруви билан амалга оширилди. Бўлимга терапевтик ва болаларга хизматни йўлга қўйиш мақсадида катта тажрибага эга бўлган терапевт ва педиатрлар масъул қилиб тайинланди ва уларнинг амалий кўмагидан фойдаланилди. Умумий врачлик амалиёти тушунчасини аҳолига етказиш мақсадида аҳоли рўйхатдан ўтказилди, буклетлар тарқатилди, маҳаллаларда суҳбатлар, кўрувлар ташкил қилинди, радио ва телекўрсатувлар уюштирилди.

Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 384-сонли буйруғига биноан 2007 йил 1 январидан 4-сон шаҳар поликлиникаси тўла умумий амалиёт врачи принципи бўйича хизмат кўрсатишга ўтди. Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси ва қарори билан даҳалар маҳаллалар тақсимоти асосида бўлинди, даҳа аҳолиси ҳам шу йўсинда рўйхатга олинди. Поликлиника 3 та УАВ, тор мутахассислар ҳамда лаборатория ва физиотерапия бўлимларига бўлинди. Хоналар қайта таъмирланиб, оила врачи хизмати кўрсатиш принципларига мос равишда жиҳозланди.

"Саломатлик" лойиҳаси бўйича УАВ курсини ўтаган врачларимиз мустақил равишда иш бошлашди. Бошқа врачларни оила врачи доирасида хизмат кўрсатиши учун махсус кичик гуруҳлар ташкил қилинди. Гуруҳ таркиби терапевт, педиатр ва гинеколог врачларидан иборат бўлиб, врачлар қабулини тажриба алмашган ҳолда бирга ўтказишди. Яъни қабулга келган акушерлик ва гинекологик муаммоси бор беморни педиатр ва терапевтлар билан бирга акушер-гинеколог врач кўрувидан ўтказди, муаммо ечими биргаликда муҳокама қилинди. Натижада врачларимизнинг турли йўналишлардаги амалий кўникмалари ошиб, шаклланди. Бу даврда қабул вақтини узайтиришга тўғри келди, шу йўл билан ўқитиш-ўрганиш босқичи босиб ўтилди.

Ўтиш босқичида ҳамшираларни оила ҳамшираси принципи асосида ишлашга тайёрлаш ҳам ўзига хос йўлни босиб ўтди. Ҳамширалар бригада системасида – бир кабинетда доя, бола ҳамшираси ва катталар ҳамшираси биргаликда кўрувлар олиб боришди ҳамда

**(Давоми 4-бетда).**

**Газетанинг 3-4-5-саҳифаларидаги материаллар Бухоро Давлат тиббиёт институти тасарруфидаги умумий амалиёт врачлари тайёрлаш ўқув-даволаш марказлари фаолиятига бағишланади**




# УМУМИЙ ВРАЧЛИК АМАЛИЁТИДАГИ ЗАРУРИЯТ

масаҳатлашиб, бир-бири билан тажриба алмашган ҳолда иш юритишди. Бундан ташқари кичик тиббий ходим вазифаларидаги ўзгаришлар ҳам ҳисобга олиниб, кичик семинарлар ўтказилди, буйруқлар ва тартиб-қоидалар тушунтирилди. Поликлиникамизда иш сифатини баҳолаш ҳисобот натижаларига қараб, УАВ ҳисоботлари "Бирламчи тиббий санитария бўғинида ҳисобот ҳужжатлари" услубий қўлланмаси асосида берилади. Лаборатория бўлими тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилиб, зарурий тиббий жиҳозлар, яъни ультратовуш диагностика аппарати, рентгенография, флюорография, ЭКГ аппаратлари билан таъминланиб, аҳоли саломатлиги учун хизмат қилмоқда.

Поликлиникадаги умумий амалиёт врачларининг кафедра ходимлари, тор мутахассис ва ҳамширалар билан ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Кафедра ҳамкорлигида қатор илмий ишлар, скрининг текширувлари ўтказилмоқда, тор мутахассислар билан биргаликда айрим муаммоли ҳолатларни бирга ҳал қилиш ва беморларни даволашдаги назоратнинг олиб борилиши мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, асосий мақсад кадрларни қайта тайёрлашни тўғри йўлга қўйиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишдир.

**М. БАДРИТДИНОВА,**
**Бухоро шаҳар 4-сон поликлиникаси бош врачи, кафедра ассистенти.**
**Д. АДИЗОВА,**
**Бухоро Давлат тиббиёт институти "УАВ тайёрлаш" кафедраси ассистенти.**

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

# В системе непрерывного профессионального образования

***26-31 мая в Бухаре был проведен семинар для главных педиатров Бухарской и Навоийской областей по актуальным вопросам педиатрии в общей врачебной практике. В течение шести дней участники ознакомились с правилами мониторинга роста и развития детей, тактике ведения детей с острыми респираторными инфекциями на основании клинического руководства, разработанного центром доказательной медицины ТашИУВ и тактике ведения детей с неотложными состояниями.***

Они узнали также об основных принципах доказательной медицины, правилах выбора персонального лекарства и рационального назначения лекарственных средств детям. Далее районные педиатры были подготовлены в качестве тренеров – обучены принципам обучения взрослой аудитории и применению интерактивных методов, так как они далее, каждый у себя в районном учебном центре, будут проводить трехдневные семинары для врачей общей практики. Важным в организации такого каскадного метода является создание интеграции между врачами сельских врачебных пунктов и педиатрами центральной районной больницы. Обучение врачей общей практики районными педиатрами создает хорошие условия дальнейшего мониторинга внедрения полученных знаний в повседневной работе в СВП.

Семинар проводился в интерактивной форме, после презентаций шла работа в малых группах, дискуссии и ролевые игры. Обратная связь осуществлялась в виде вопросов и ответов различными способами.

В конце семинара участники были разделены на шесть групп, им были розданы пройденные темы, проведено обучение правилам подключения и использования телевизора, DVD-плейера и DVD-дисков. В течение двух последних дней каждая группа демонстрировала обучение теме различными методами, которые они будут применять во время семинаров в районных учебных центрах. А преподаватели, оценивая каждого участника, помогали и советовали, как лучше использовать тот или иной метод во время обучения.

**В конце была проведена оценка семинара, где участники могли выразить свои пожелания:**

*"Мы получили новую информацию, которую трудно найти у нас в районе"*

*"Семинар был проведен так интересно, что мы не заметили, как прошли эти шесть дней"*

*"Желательно чаще проводить такие семинары, лучше проводить семинары шестидневные, но чаще, так как уехать из дома на один месяц мы не можем"*

*"Очень хорошо, что семинар проведен для педиатров двух областей, мы смогли узнать об опыте своих коллег, поделиться своими достижениями"*

*"Мы обязательно проведем семинары для врачей общей практики в районных учебных центрах"*

Таким образом, необходимо часто проводить семинары для районных специалистов, которые будут обучать врачей общей практики и проводить дальнейший мониторинг внедрения полученных знаний на практике. Применение современных и эффективных методов диагностики и лечения, основанных на принципах доказательной медицины, которые они смогут узнать на семинарах системы непрерывного профессионального образования, значительно улучшит качество оказания медицинской помощи детям, снизит их заболеваемость.

**Н. НАРМУХАМЕДОВА,**
**директор учебного центра по подготовке ВОП, ТМА.**

*Семинар*

# ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

***(Умумий амалиёт врачларини тайёрлашда Бухоро Давлат тиббиёт институтининг тажрибаси)***

***Жорий йилнинг 27-28 май кунлари Бухоро Давлат тиббиёт институтининг умумий амалиёт врачларини тайёрлаш (УАВ) марказида Умумий амалиёт врачларини тайёрлашда Бухоро Давлат тиббиёт институтининг тажрибаси бўйича "Умумий амалиёт врачларини тайёрлашда интегрирлашган ҳолда ёндошиш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда республикамизнинг барча олийгоҳлари ўқув марказлари директорлари, "Саломатлик-2" ва USAID, ЗдравПлюс лойиҳалари вакиллари иштирок этдилар.***

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Саломатлик-2" ва USAID, ЗдравПлюс лойиҳалари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу семинардан кўзланган мақсад, УАВ тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга бўлган БухДавТИ УАВ тайёрлаш марказининг тажрибасини ўрганиш, эришилган ютуқларни бошқа ўқув марказларида жорий қилишга қаратилди.

Бухоро Тиббиёт институтида УАВ тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ўқув марказидаги фаолиятларни бошқаришда тиббиёт фанлари доктори, профессор Нодира Шарипованинг ҳиссаси катта. Институт таркибида 1995 йил "6-курс терапияси" кафедраси фаолият бошлаган эди. 1998 йилда шаҳар 4-сон поликлиникаси базасида умумий амалиёт врачларини тайёрлаш ҳамда 2004 йилда 4-сон болалар поликлиникаси базасида 2-ўқув марказлари ташкил қилинди. Марказ 1999 йилдан бошлаб, "Саломатлик-1" лойиҳаси дастури асосида Навоий вилояти қишлоқ врачлик пункти врачларини (ҚВП) 10 ойлик дастур асосида ўқита бошлади. Кейинчалик Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан жами 500 нафар УАВ тайёрлаб берди. Марказда дарс жараёнларини олиб борувчи тренерларнинг барчаси Буюк Британия, Эстония, АҚШ ва Марказий Осиё давлатларининг тиббиёт муассасаларида бўлиб, ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиб келган мутахассислардир. Семинарни институт ректори, профессор Р. Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, институт тасарруфидаги ўқув марказларининг фаолияти хусусида тўхталиб, амалга оширилган ишлар самараси тўғрисида ўзининг эътирофли фикрларини билдирди. Тадбирда "Саломатлик-2", "Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари мутахассиси Ф. Фузайлов иштирок этиб, семинарни бошқариб борди. Шунингдек, марказ директори, профессор Н. Шарипова ўқув марказлари ташкил қилиниши, базалар кенгайиши, фаолияти ва ютуқлари ҳақида гапириб, Бухоро Тиббиёт институти умумий амалиёт врачларини тайёрлаш марказининг бошқа марказлардан фарқ қилувчи томонлари хусусида тўхталиб ўтди.

** УАВ тайёрлаш ўқув маркази дипломгача ва дипломдан кейинги умумий амалиёт врачларини тайёрловчи марказлардан бири ҳисобланади. Ўқув марказида Бухоро тиббиёт институтининг даволаш ва тиббий педагогика факультети битирувчи курс талабалари, олий маълумотли ҳамшира факультетининг 2-курс талабалари ҳам таҳсил олишади.*

** УАВ тайёрлаш ўқув марказининг фаолияти бевосита соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини – шаҳар поликлиникасининг фаолияти билан узвий равишда боғлиқ. Ҳар иккала ўқув маркази жойлашган поликлиника бош врачлари ўқув марказларининг ассистентлари ҳисобланадилар.*

** Ўқув маркази ассистенларидан 8 нафари амалий фаолият юритувчи умумий амалиёт врачларидир. Марказ ходимлари томонидан 23 000 аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилади.*

** Ўқув маркази ассистентларининг барчаси тиббий хизматнинг бирламчи бўғини долзарб муаммоларини ўрганиш бўйича илмий текшириш ишларини олиб боришмоқда.*

** Ўқув марказида Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти далилларига асосланган тиббиёт марказининг филиали ташкил қилинган ва бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда.*

** Шаҳар поликлиникаларида жойлашган иккита марказдан ташқари, вилоят болалар шифохонаси, 2-сонли вилоят марказий касалхонаси ва Бухоро, Пешку, Ғиждувон, Когон туманларидаги 5 та қишлоқ врачлик пунктларида марказнинг базалари ташкил қилинган бўлиб, доимий равишда ўқув-амалий машғулотлари олиб борилади.*

** Ўқув марказининг махсус сайти ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда жаҳоннинг 18 дан ортиқ мамлакатларидан сайтга мурожаат қилинмоқда.*

** Ўқув маркази ва етакчи фармацевтик компаниялар орасида ўзаро алоқа йўлга қўйилган бўлиб, бу фармацевтик компаниялар вакиллари томонидан даврий равишда умумий амалиёт врачлари ва талабаларга ахборотлар бериб борилади. Шунингдек, таҳсил олаётган врачлар Бухоро шаҳрида ўтказиладиган барча маҳаллий ва халқаро конференцияларда иштирок этадилар.*

** УАВ ҳар бир гуруҳида кураторлик (мураббийлик) ташкил қилинган бўлиб, таҳсил олувчилар ўзларининг муаммоларини мураббийлари билан биргаликда ҳал қиладилар.*

** Ўқув марказида талабалар ва умумий амалиёт врачлари орасида даврий равишда тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган "open-space" ва мастер класслар ташкил қилинади.*

** Ҳар ойда бир марта "Театр куни" ташкил қилинган ва бунда талабалар ва умумий амалиёт врачлари амалиётда учрайдиган муаммоли ҳолатлар саҳна кўринишида намойиш этилади ва муаммони ҳал қилиш чора-тадбирлари изланади.*

Ўқув марказининг дипломдан кейинги ва дипломгача ўқув ишлари масъул ходимлар И. Абдулхаков ва Г. Жарылкасинова ўқув ишлари тўғрисида, 1- ва 2-марказ даволаш бўлими мудирлари Н. Мавлонов ва А. Асроров даволаш ишлари тўғрисида маълумот бердилар. Марказ ходимлари томонидан ўқув, илмий ва даволаш ишлари мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилиши натижасида умумий амалиёт врачлари кўриги учун лозим бўлган вақт меъёрларини тайёрлаш, умумий амалиёт врачини иш ўрнини моделлаштириш, ҳисоботларни компьютерлаштириш бўйича тўпланган маълум тажрибалар ҳақида маъруза қилдилар. Шунингдек, аҳолининг тиббий билимини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган профилактик ишлар кўлами (аҳоли учун тайёрланган эслатмалар, тавсияномалар) ҳақида тўхталиб ўтдилар. 4-сон шаҳар поликлиникаси бош врачи М. Бадритдинова поликлиника хизматини оилавий принципга ўтиш тажрибалари, кўлга киритилган ютуқлар, юзага келган муаммолар ҳақида маъруза қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, поликлиника ва марказ ходимлари орасида иш ўзаро келишилган тарзда йўлга қўйилган. Марказ ходимлари аҳоли орасида касалликларни камайтириш, даволаш ва диагностикада қабул қилинган стандартларни қўллаш бўйича поликлиника врачларига илмий асосланган тавсиялар берадилар. Поликлиника томонидан умумий амалиёт врачлари ва битирувчи курс талабалари учун беморлар курацияси масаласида барча шароитлар тўлиқ яратиб берилган. Маҳаллаларда поликлиника ходимлари ва марказ ассистентлари билан бирга тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар, давра суҳбатлари ва профилактик кўриклар даврий равишда ўтказиб борилади. Кафедра томонидан яратилган "Современные подходы в подготовке врача общей практике" номли ўқув қўлланмаси тақдимоти бўлиб ўтди. Семинар катнашчилари ҳар иккала марказда ўқув ва даволаш ишларининг бориши билан яқиндан танишдилар.

**Семинарнинг иккинчи кунида олинган таассуротлар қатнашчилар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга марказ ходимлари томонидан жавоб қайтарилди, ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.**

**О. РЎЗИЕВ,**
**Бухоро Давлат тиббиёт институти, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедраси.**

# Дипломдан кейинги ўқув жараёнига киритилаётган инновациялар

**Бухоро Давлат тиббиёт институти умумий амалиёт врачи тайёрлаш марказларида 2007-2008 ўқув йилида 127 нафар қишлоқ ва шаҳар врачлик пункти врачлари "Саломатлик-2" лойиҳаси дастури асосида таълим олмоқдалар. Тингловчилар 8 та гуруҳдан иборат бўлиб, ҳар бир циклнинг бошланишида муҳим мавзуларга бағишлаб маърузалар ўқилади. Маърузалар замонавий интерфаол усулларни қўллаган ҳолда олиб борилади.**

Кафедрада амалиётда қўлланган янги ўқитиш тизимларидан бири "Open Space" усули ҳисобланиб, унда тиббиётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади. Услубнинг қулай томони шундаки, бир вақтнинг ўзида бир неча аудиторияда ахборот берилиб, мутахассисларга тинглаш эркинлиги яратилади. Тингловчиларни ўқитиш жараёнида вертикал ва горизонтал интеграция тамойилларидан кенг фойдаланилади. Таъкидлаш жоизки, ўқув ва амалиёт жараёнида тор мутахассис маърузалари, стационар шароитдаги беморлар соғлигини назорат қилишни муассаса врачи билан ҳамкорликда олиб бориш, кам учровчи касалликлар клиникаси билан танишиш бунинг яққол мисолидир. Ўқув жараёни асосан, "Саломатлик-1-2" лойиҳаси томонидан жиҳозланган ўқув хоналари ҳамда "Афшона" ва "Гавшун" қишлоқ врачлик пунктларида режа асосида олиб борилади. Бунинг баробарида институтда интернет ва ахборот-ресурс марказларида ҳам дарслар ўтилиб, янги ахборот технологиялари тармоғи, масофадан ўқитиш услублари билан тингловчилар таништирилади.

Ўқитишнинг илғор усулларидан яна бири тингловчилар томонидан лойиҳалар ёзилиши ва уларнинг тақдимоти ҳисобланади. Бу борада кафедрада йиллар давомида тўпланган тажриба мавжуд бўлиб, лойиҳаларнинг асосий йўналишлари аниқлаб олинади. Кейинчалик йўналишлар ичида мавзулар танланиб, тингловчиларга тарқатилади ва илмий раҳбарлар тайинланади. Мавзуларнинг мазмун-моҳияти тиббиётни бирламчи бўғинидаги фаолиятда асосий ўринга эга бўлмоғи лозим. Лойиҳани бажариш давомида кафедра мудири ва мутасадди тренерлар томонидан маслаҳат берилиб, лойиҳанинг бажарилиши мониторинг қилинади. Ўқув йили охирида лойиҳа тақдимоти ўтказилиб, энг яхши тақдимотлар рағбатлантирилади.

Ўқув йили давомида ўқитишнинг қўшимча ва янги турлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди. "Оила ва жамиятда зўравонлик муаммолари, тиббий ташҳисот ва оилага маслаҳат бериш" семинари тингловчилар томонидан катта қизиқиш




билан кутиб олинди.

Кафедранинг ҳар бир ассистенти даволаш ишларида фаол қатнашади. Бугунги кунда кафедра тасарруфидаги иккита ўқув даволаш марказидаги умумий амалиёт врачи бўлимлари 23094 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ҳар бир бўлимда врачгача ҳамшира қабули хоналари ва бурчаклари мавжуд.

Кафедра базасида исбот-далилларга асосланган тиббиёт маркази очилди. Шунингдек, интернет тармоғида кафедранинг www.gpbukhara.narod.ru сайти ташкил қилинди. Кафедра KRKA, Lek Sandoz, SOLVEY FARMA, Arterium ва бошқа бир қанча фармацевтик компаниялар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. У ерда таълим олаётган тингловчилар гуруҳига кураторлар тайинланган бўлиб, уларнинг йиллик иш режаси кафедра мудири томонидан ўқув йили бошида тасдиқланади ва унга асосан ўқув йили давомида қатор тадбирлар амалга оширилади. Ҳафтанинг ҳар жума куни кафедрада театр куни деб эълон қилинган бўлиб, унда мавзуга оид спектакллар тингловчилар томонидан қўйилиб, бир томондан мавзуни чуқуррoқ билиб олишга, иккинчи томондан эса гуруҳ жамоаси жипслашувига ёрдам беради.

Кафедрада келгусида ҳам "Саломатлик-2" ва "Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаларига асосан янгидан-янги инновацион технологиялар ва ғояларнинг амалиётда қўлланилиши давом этирилади.

**И. АБДУЛХАКОВ,**
**Бухоро Давлат тиббиёт институти, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедраси.**

# Опыт работы тренера по подготовке врача общей практики в обучении студентов-выпускников

**Кафедра подготовки врачей общей практики готовит студентов 7-курса лечебного и медико-педагогического факультетов по трем предметам: подготовка врачей общей практики (ВОП), неотложная медицинская помощь, новые медицинские технологии. Предмет подготовки врачей общей практики включает основные разделы терапии – кардиология, пульмонология, гастроэнтерология, ревматология и нефрология.**

Все ассистенты кафедры являются сертифицированными тренерами по подготовке врачей общей практики, постоянно повышают квалификацию и преподают как студентам, так и врачам.

С начала учебного года со студентами составляется договор, который обязывает кафедру и студентов к следующему:

– Кафедра обязуется проводить занятия, согласно требованиям учебной программы, проводить занятия, интегрируясь с практикой, обеспечить студента необходимой литературой, проводить занятия с использованием новых педагогических и медицинских технологий, давать дополнительные консультации отстающим студентам.

– Студенты обязуются не опаздывать, быть всегда в форме, иметь при себе фонендоскоп, тонометр и повязку, не пропускать занятия, своевременно выполнять задания, активно участвовать в общественной деятельности кафедры, соблюдать деонтологию с больными, беречь имущество.

В учебный процесс внедрен широкий набор деловых игр, апробированных и используемых во многих медицинских школах. Интерактивные деловые игры: "Слабое звено", "Ручка на середине стола", "Круглый стол", "Пчелиный рой", "Тур по галерее", "Кто больше? Кто быстрее?" и др. Игровой компонент в проведении занятия заключается также в использовании метода решения психологических тестов, проведения занятия в форме дискуссии. Опыт применения деловых игр показал, что данная методика обучения реализует возможность коллективной деятельности, активирует мыслительный процесс студентов, вызывает удовлетворенность от учебы, что все вместе дает успешные результаты усвоения знаний, умений и навыков.

Практические занятия проводятся с применением компьютерной, аудио- и видеотехники, с использованием ситуационных задач, тестов, ЭКГ аппарата и рентгенограмм, пикфлуометра, отоскопа, ларингоскопа, офтальмоскопа и муляжей.

На кафедре имеются электронные варианты некоторых учебников, лекций профессоров и доцентов, электронные варианты календарно-тематических планов занятий, мультимедийные лекции тренеров (более 300), а также электронные книги и методические пособия, тематические разработки тренеров и другие материалы. Эти материалы также размещены на сайте кафедры.

В течение трех месяцев студенты самостоятельно выполняют и защищают проект по актуальным проблемам семейной медицины, самостоятельно курируют больных на приеме врача в поликлинике и на дому. Совместно с членами ассоциации детских врачей – тренеры проводят просветительскую работу в махаллях, школах и других учебных заведениях.

**Г. ЖАРИЛКАСИНОВА.**
**Бухарский Государственный медицинский институт, кафедра подготовки врачей общей практики.**

**Практика показывает, что основную часть расходов, связанных с проведением некоторых видов лабораторного и инструментального обследования, берут на себя пациенты и их родственники. Поэтому назначать малообеспеченным пациентам дорогостоящие и не по показаниям исследования или выписывать лекарственные препараты неэтично.**

# Нужна ли доказательная медицина?

Иногда больным без признаков ишемической болезни сердца повсеместно назначается рутинное электрокардиографическое обследование (обычное ЭКГ без физической или фармакологической нагрузки) для выявления этого заболевания. Проведенный анализ имеющихся данных показывает, что применение ЭКГ в качестве метода скрининговой диагностики ишемической болезни сердца малоэффективно.

В этой связи внедрение доказательной медицины в Узбекистане приведет к экономии средств пациентов на дорогостоящие исследования, и они смогут тратить эти деньги более рационально – на еду, оплату жилья и образование детей.

Проведенное исследование показало, что 88% больных с острыми респираторными вирусными инфекциями (ОРВИ) получали препараты, усиливающие обмен веществ и антибиотикотерапию, но существуют убедительные данные о неэффективности применения этих препаратов при ОРВИ. Поэтому внедрение доказательной медицины поможет врачам противостоять натиску фармацевтических компаний в борьбе за здоровье больных.

Еще в 2003 году существовали доказательства преимущества бета-блокаторов при лечении артериальной гипертонии, однако в поликлиниках только 18% больных получали бета-блокаторы, а 62% – дорогостоящие антагонисты кальция. Это, возможно, связано с активным продвижением последних на фармацевтический рынок.

Препятствия на пути внедрения доказательной медицины встречаются и при обучении врачей. Мы составили примерный перечень проблем, с которыми сталкиваются преподаватели, проводящие семинары по доказательной медицине в нашем центре, и способы решения их.

Одной из главных проблем, препятствующих внедрению доказательной медицины, является отсутствие времени для посещения семинаров, особенно у поликлинических врачей. Мы решили эту проблему, сократив продолжительность семинаров до двух дней. Практические занятия по критической оценке случаев, сложных с точки зрения диагностики и лечения, чередуются с короткими лекциями. Кроме того, участникам семинара предоставляется возможность самостоятельно решить клиническую проблему. С этой целью они осуществляют поиск соответствующих данных в доступной литературе, формулируют клиническое решение и готовят сообщение с критическим разбором конкретной проблемы. Хотя сокращение длительности семинаров ограничивает объем обсуждаемых материалов, оно позволяет привлечь к таким занятиям гораздо больше врачей, включая самых занятых. Тренеры развивают у врачей умение применять методы доказательной медицины, побуждая их критически оценивать эффективность применения различных лекарственных препаратов, лечебных и профилактических вмешательств. Этот подход можно использовать во время обсуждения докладов на врачебных конференциях или при общении с представителями фармацевтических компаний, рекламирующих свою продукцию в лечебных учреждениях. По нашему мнению, публично высказанное сомнение способствует повышению качества представляемой информации.

Некоторые врачи относятся к доказательной медицине как очередному западному новшеству – высокотехнологичному, очень дорогому и абсолютно бесполезному. На самом деле назначение эффективных методов обследования и лечения более экономно для пациентов. Поэтому врачи, работающие в первичном звене здравоохранения, должны активно внедрять данные доказательной медицины в повседневную практику.

**Л. САИДОВА, М. ТАИРОВ.**
**Бухарский Государственный медицинский институт, кафедра подготовки врачей общей практики.**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
№ 24 (592)
2008 йил
20 июнь

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · gain Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2008 й
№6

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects

Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

***Жорий йилнинг июнь ойида «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида «Олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашда ўқув дастурини жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш» мавзусига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Семинарда республика тиббиёт институтларининг олий маълумотли ҳамширалар факультети деканлари ва ўқитувчилари иштирок этди. Машғулотларни Буюк Британиядан ташриф буюрган халқаро эксперт Мораг Маккормик олиб борди.***

Бўлиб ўтган мазкур семинар иштирокчилари олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш борасидаги ўқув дастурини жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш давр талаби эканлигини ҳис қилган ҳолда ўзига хос таклифларни киритдилар. Ўқув-семинар якунида қатнашчилар ўз таклифлари асосида тайёрлаган дастурий режалар тақдимотини ҳавола



этишди. Тақдимот давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи гуруҳи қатнашиб, тингловчилар тузган дастурий режалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таъкидлаш жоизки, тақдим этилган лойиҳа режалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилади.

**Эльмира УРАЗАЛИЕВА,**
**Тошкент Тиббиёт академияси жамоат саломатлик мактаби кафедраси ассистенти:**



– Мазкур семинардаги халқаро эксперт Мораг Маккормикнинг олиб борган таълим тизимидаги маърузалари фаолиятимиздаги режавий дастурларимизга маълум даражада ўзгартиришлар киритишимиз муҳимлигини тақозо этди десам, янглишмаган бўламан. Давр талаби жаҳон андозаларига мос равишда талабаларга таълим беришни олдимизга вазифа қилиб қўйган экан, бунинг учун дастурий ўқув режаларимизни шароитдан келиб чиққан ҳолда даврга мос равишда тайёрлаб олишимиз муҳим деб биламан. Бугунги тақдимот давомида таклифларим билан иштирок этдим. Семинарда қатнашган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишчи гуруҳи томонидан билдирилган фикрлар ҳам мақсадларимиз муштараклигини кўрсатди. Эндиликда семинар иштирокчилари томонидан тузилган ўқув режалари натижаси вазирликнинг ишчи гуруҳига тақдим этилади. Мазкур соҳада фаолият юритаётган ишчи гуруҳи вакилларининг бой ва илмий тажрибалари асосида жаҳон андозаларига мос равишдаги дастурий ўқув режаларининг тузилишига шубҳа йўқ.

***Саҳифалардаги мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.***

*Ўқув-семинар*

# ФАРМАЦЕВТИКА РИВОЖИДА ЯНГИ ҚАДАМ

***«Саломатлик-2» лойиҳасининг кенг қамровли мақсадлар доирасида олиб бораётган яна бир фаолияти фармацевтика соҳасини ривожлантириш ва уни тор мутахассисликлар меҳнати жараёнида тараққий эттиришдан иборатдир. Шунга мувофиқ пойтахтимизда бўлиб ўтган семинар-тренингда ҳам айнан фармацевтика компонентларини ривожлантириш ва ҚВП хизмат доирасида фармацевт-консультантларни тайёрлаб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.***

Тиббиёт ислоҳотларини чуқурлаштириш баробарида тизимда кенг фаолият даражасига эга бўлган умумий амалиёт врачларини тайёрлаш ва уларнинг касбий билимларини ошириш орқали тиббиётнинг бошқа йўналишларида ҳам муайян тажриба орттиришлари талаб этилмоқда. Хусусан, кўп аҳоли пунктларида дори-дармон муомаласи, уларни ўз вақтида етказиб бериш билан боғлиқ турли муаммоларни бартараф этиш, мавжуд дори воситаларидан оқилона фойдаланишга эришиш сингари мақсадлар акс этган мазкур семинар-тренинг вилоятнинг барча фармацевт мутахассисларини янгича структуралар асосида иш олиб боришларини белгилаб берди.



– Ҳозирги кунда дори сиёсати билан боғлиқ жиддий муаммолар юзага келавергач, бутун дунёда фармацевт кадрларни юксак тажриба асосида тайёрлаш вазифаси кўндаланг қўйилди. Бу жараён табиийки, 3500 дан зиёд ҚВПси бор бўлган Ўзбекистон шароитига ҳам дахлдор ҳисобланади. Чунки, турли касалликлар билан рўйхатга олинган аҳолини сифатли ва кечиктириб бўлмайдиган дори воситалари билан таъминлаш, уларни меъёр даржасида тўғри тақсимлаш, оқилона ишлатиш зарурати пайдо бўлаётганини ҳеч шубҳасиз эътироф этиш мумкин. Эндиги мақсадимиз, замон талабидаги фармацевт-консультантларни тайёрлаб, улар орқали соҳа ривожини юксалтириш, жойларда бу билан боғлиқ муаммоларни батамом тугатишдир. Айни кунда фармацевтика соҳаси янги ривожланиш босқичида кетаётганлиги ва шунга мос ҳолда тажрибали кадрлар тайёрлаш узлуксиз таълим жараёнига айланмоқда.

Умид қиламанки, бошланган бу қадам секин-асталик билан ўз самарасини кўрсатиб боради, – дейди голландиялик халқаро эксперт Frans Stobbelaar.

Ўтказилган ушбу тўрт кунлик семинар-тренинг фармацевтика соҳасини жадаллаштириш борасида, дори-дармон воситаларининг мақсадли сарф-харажатларига туртки бўлади.

# ТЕЗКОР ТАШҲИСЛАШНИНГ ДАВРИЙ ТАЛАБЛАРИ ДОИРАСИДА



***Касалликни тезкор ва аниқ ташхислашда лаборатория хизмати ҳамда ундаги тажрибали ходимларнинг касбий маҳоратлари бирламчи ҳисобланади. Бугунги тараққиёт даврида янги тиббиёт технологияларининг кириб келиши, хусусан, текширув-ташхислаш аппаратуралари касалликни эрта аниқлаш жараёнида муҳим воситага айланиб бормоқда.***

«Саломатлик-2» лойиҳасининг қишлоқ врачлик пунктлари шароитида яратиб бераётган лаборатория текшируви хизматлари, тиббий асбоб-ускуналар, тайёрланаётган кадрлар аҳолига сифатли ва тўғри касаллик ташхисини қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Июнь ойининг бошида ташкил этилган тўрт кунлик ўқув-семинар ҳам иштирокчилар жаҳон тажрибаси доирасида билим олишлари, янги лаборатория текшируви асосида малакали фаолият юритишни тақозо этмоқда. Чунки, республикамизнинг барча ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларида ташҳислаш амалиёти замонавий технологиялар асосида олиб борилмоқда. Уларнинг сифат-самарадорлиги шундаки, касаллик ўз вақтида аниқланиб, шифокорнинг кўрсатма ва маслаҳатларига енгиллик туғдирмоқда.

Ўтказилган семинарда иштирокчилар касалликни аниқлашда қўлланиладиган стандарт тавсиялар, услубий қўлланмалар, жаҳон тажрибалари билан яқиндан танишиб, назарий ва амалий билимларини мустаҳкамладилар. Бугунги давр ҳар қадамда янгилик сари интилишни талаб этмоқда. Бу эса ўз ўрнида мутахассисларнинг касбий маҳорат бобида кўпроқ изланишларини кўрсатиб беради. Республикамизнинг барча қишлоқ врачлик пунктларида лаборатория хизматини ривожлантириш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш ҳар бир тиббиёт ходимидан, айниқса, лаборантлардан катта масъулиятни талаб этади. Давр ўзгармоқда, янгиланиш ва тараққиёт анча юқори. Шундай экан, бу тезкор жараёнда УАВлар тайёрлаш ўқув марказининг семинар қатнашчилари ўз билимларини ҳудудларидаги мутахассисларга ўргатиб борадилар.

**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
И.О. исполнительного директора Максумов Джамшид Джалолович.
700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 268-08-19, 267-73-47.
Факс 268-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.**

**Над спецвыпуском работали: И. СОАТОВА, Н. ТОЛИПОВ, И. ИЛЬХАМОВА, Ю. НАЛИБАЕВА. Фото Анварджана САМАДХОДЖАЕВА.**

# 26 июнь – Гиёҳвандликка қарши кураш куни

***Гиёҳвандлик... Бу сўзни эшитишинг биланоқ, кўз олдинг қоронғулашиб, этинг жунжикиб кетгандай бўлаверади. У одам танасини шунчаки зарарламасдан, балки уни инсонийлик қиёфасидан ҳам маҳрум этади.***

## АЖАЛ ВА ҚАБИҲЛИКДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ

– Кейинги пайтларда дунё бўйича глобал муаммога айланган гиёҳвандлик туфайли кўплаб инсонлар азият чекишмоқда, – дейди Қашқадарё вилоят наркология диспансери бош шифокори Қодир Худойбердиев. – Бироқ, бу иллат бангилик исканжасига тушган жаҳоннинг миллионлаб оилалари бошига ҳамон офат ёғдирмоқда. Гиёҳванд моддалари ноқонуний айланиши ҳеч қандай чегара билмайди. Аксинча, борган сари бангиликнинг қўлланиши тараққиётимизнинг энг бебаҳо бойлиги бўлган инсон ҳаётига таҳдид солиб, уни хавф-хатарга дучор қилмоқда. Ҳозирги кунда ер юзида гиёҳвандликнинг ноқонуний савдосига айланаётган пул маблағи аҳолининг озиқ-овқатга, тураржой, кийим-кечак, таълим ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатлардан анча юқорилаб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Уюшган жиноятчиликнинг ривожланиши ОИТС ва бошқа касалликларнинг аҳоли ўртасида тарқалиши, террорчиларни молиялаштириш – буларнинг барчаси гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши оқибатида юзага келаётган инсон имкониятларига путур етказувчи оғир асоратлардир.

– Ҳозир дунёда 9 миллиондан ортиқ киши героин, 13 миллиондан ортиқ киши кокаин, 150 миллиондан ортиқ киши марихуана ҳамда 200 миллиондан зиёд киши сунъий наркотик моддалар истеъмол қилар экан. Гиёҳвандлик – бу наркотик моддаларни доимий қабул қилишга ўрганиб қолиш ва миқдорини аста-секин ошиб бориши билан кечадиган касалликдир, – дейди Қашқадарё вилоят диспансери бўлим бошлиғи Отабек Расулов. – Гиёҳвандлик жуда оғир хасталикдир – унинг натижасида ОИТС, жигар циррози, сил, ўсма, ошқозон-ичак касалликлари, ҳомиланинг майиб-мажруҳлик билан туғилиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 августдаги 401-сонли "Сурункали алкоголизм ва гиёҳвандлик



касаллигига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида"ги Қарори асосида вилоят наркология диспансери қошида 40 ўринли "Мажбурий даволаш бўлими" фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, вилоят наркология диспансери шифохонасидаги янги 10 ўринга мўлжалланган "Реабилитация" бўлими ташкил қилинди.

"Балоғатга етмаган ўсмирлар орасида учрайдиган гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг олдини олиш тўғрисида"ги вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг буйруғи асосида диспансеримиз шифокорлари маҳалла ва ўқув муассасаларида турли учрашув ташкил этиши натижасида диспансер ҳисобида турган ўсмирлар сони деярли камайди.

Гиёҳвандлик – таркибида гиёҳванд моддалари бўлган моддаларни қабул қилиш, чекиш, чайнаш, ичимликларга қўшиб истеъмол қилиш, томир ичига юбориш, кукун ҳолида ҳидлаш орқали ҳузур тортиш ва уларга ўрганиб қарам бўлишдан иборатдир. Гиёҳванд одам ҳеч қачон соғлом ва бахтли бўла олмайди. Гиёҳвандлик йўлига кириш ўз-ўзига суиқасд ва яқинларига хиёнат қилиш демакдир.

Тарихда биринчи маротаба психоактив таъсирга эга бўлган кўкнори ўсимлиги милоддан аввалги бешинчи минг йилликда Қуйи Месопотамия (ҳозирги Ироқ) ерларида ишлатилган. Милоддан аввалги XIX-XVIII асрларда Ҳиндистонда ёввойи ҳинд канопи (бханк) истеъмол қилинган. Европада эса XV-XVII асрларда сеҳр-жоду билан шуғулланадиган фолбинлар гиёҳванд моддалардан турли доривор воситалар тайёрлаб, инсонлар онгига таъсир этишда қўллаганлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Осиё, Европа ва Америка давлатларида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ёшлар ўртасида кенг тарқалган. Каноп, опиум, психостимуляторлар, тинчлантирувчи ва ухлатувчи дори воситалари, галлюциногенлар гиёҳванд моддаларнинг турлари ҳисобланади.

**Гиёҳвандлик – инсон ақл ва тафаккури, руҳияти кушандаси экан, бангилик домига тушганлар бундай ажал ва қабиҳликдан қутулишлари қийин. Бунинг учун ҳар бир инсон гиёҳвандликни олдини олиш учун ўзининг метин иродаси, ақлу заковатига суянмоғи лозим.**

**Афтондил ИСМОИЛОВ.**

***Молодежь – это та категория людей, на которую возлагаются большие надежды, с которой связаны грандиозные планы на будущее, которые сегодня учатся быть полезными и нужными для своей Родины. В то же время в силу своей неопытности и любопытности подростки подвержены воздействию отрицательных факторов, которые могут загубить жизнь, не успевшую начаться. Речь идет об одном из самых страшных заболеваний XXI века – наркомании, которая очень трудно поддается лечению, а поэтому требует усиленных профилактических мер. Именно поэтому не только родители, но и хокимияты, махалли и медицинские работники заинтересованы в осуществлении деятельности, которая не дает подростку увлечься наркотиками.***

## ПРОФИЛАКТИКА НАРКОМАНИИ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

18 июня 2008 года в махалле "Марказий" города Газалкента (Ташкентская область) проводилось собрание по профилактике наркомании среди молодежи Бостанлыкского района. Мероприятие посетили заместитель хокима, председатель женского комитета С. Файзиева, врачи разных специальностей и члены махаллинского комитета. На собрании обсуждались вопросы по внедрению более эффективных мер профилактики, путем обсуждения и дискуссий составлялся план по дальнейшей работе. С. Файзиева и главный врач-нарколог района С. Шарипова наметили ряд мероприятий до конца этого года по совместной борьбе с наркоманией среди жителей района. А вслед за ними выступил М. Нигматуллаев – советник Центра здоровья, предлагая продолжить эту работу в летний период в зонах отдыха среди молодежи в виде брифингов. Так как на летнем отдыхе дети находятся в приподнятом расположении духа, активны и готовы участвовать в мероприятиях подобного рода, тем более если они интересно и продуманно организованы. Некоторые участники рассказали нам о возможных методах лечения и профилактики наркомании:

**Т. ЗАХАРОВА,**
**врач-эколог:**

– На сегодняшний день становится возможным лечение наркомании современными препаратами биоинженерии, о чем свидетельствует передовой опыт врачей разных стран мира в этой области медицины. При лечении необходимо учитывать эндоэкологию человека и его биологические часы. Я имею в виду, что каждый орган человека имеет свое время максимальной активности. Поэтому прием биопрепаратов должен быть в период максимальной работы того органа, на который направлено воздействие. При этом достигается максимальный результат.

**Г. ЗАХАРОВ,**
**психолог здорового образа жизни (ЗОЖ):**

– Наш великий соотечественник Абу Али ибн Сино еще более 1000 лет тому назад определил здоровый образ жизни как гармонию физического, духовного, психического и медицинского состояния человека. Лично я хочу обратить внимание на то, что здоровый образ жизни надо воспитывать у детей с младенчества на примере родителей и окружающих родственников. Это очень трудная и ответственная работа для врачей, воспитателей и педагогов, и от того, как мы выполняем эту работу, будет зависеть здоровье и будущее нашей молодежи.

В завершении собрания О. Хакимова – директор информационно-ресурсного центра – подготовила материал выставки книг по данной теме и ознакомила с ними учащихся колледжа.

**На проведенном собрании помимо специалистов, присутствовали также жители махалли и учащиеся академического колледжа. Мероприятие было организовано специально для них, для сохранения их здоровья. Остается надеяться, что каждый из ребят усвоит все, что обсуждалось в этот день, и всегда будет следовать следующему девизу: "В здоровом образе жизни нет места наркомании и ВИЧ/СПИДу!".**

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

*Кровь – это жизнь*

## ОНИ ДАРЯТ НАДЕЖДУ

***Как приятно осознавать, что в мире есть такие люди, которые, не будучи тебе родственниками или близкими людьми, пытаются всячески помочь тебе. И именно такими людьми являются доноры, которые безвозмездно отдают тебе свою кровь. Помощь этих людей настолько неоценима, что из 365 дней года есть один день, посвященный им – 14 июня – День донора крови.***

Недавно в НИИ гематологии и переливания крови Минздрава Республики Узбекистан была проведена акция по безвозмездному донорству. Большая очередь людей, выстроившаяся около пункта переливания крови, сразу привлекла наше внимание. Это были люди разных национальностей и возрастных категорий, но их объединила одна общая цель – донорство.

**Нам удалось поговорить с некоторыми из них.**

**С. Селиверстов,**
**донор**

*– Меня привело сюда желание помочь человеку, нуждающемуся в крови. И меня переполняет чувство гордости от того, что моя кровь спасет хотя бы одну человеческую жизнь. Ведь люди рождаются на свет, чтобы помогать и поддерживать друг друга. Именно поэтому я здесь.*

**Д. Мирзакаримова,**
**донор**

*– Будучи работником НИИ гематологии и переливания крови, я вот уже который год сталкиваюсь с людьми, нуждающимися в крови. Я вижу их глаза, я общаюсь с ними, и каждый раз сердце переполняет необъяснимое чувство, побуждающее меня сдать кровь.*

*И сегодня я в очередной раз сдаю кровь, и пусть все пациенты нашего учреждения будут здоровы на счастье их близких.*

***М. Махмудова,***
***Зав. оделением центра гемофилии и депрессивности кроветворения***

– Участвуя в сегодняшней акции в качестве специалиста, приятно видеть столь большое количество людей, желающих помочь нам и нашим пациентам. Это говорит о том, что наш народ добр, отзывчив и милосерден. Я благодарна им всем и каждому в отдельности за огромную помощь.



**В свою очередь, мы, редакция газеты "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана", благодарим всех доноров страны и поздравляем их со знаменательной датой – Днем донора крови.**

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**

*Огоҳ бўлинг!*

## Шифокор ташвиши

***Кейинги пайтларда телевидение орқали «Рамаяна», «Денгиз ҳукмдори», «Жумонг» каби чет эл тарихий сериаллари намойиш этиляпти. Бу фильмлар фалсафий мушоҳадаларга бой, катта ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан эътиборга молик. Ёшларни эзгуликка, қўрқмас ва ботир бўлиб камол топишига, ҳаққўй ва адолатпарвар инсон бўлиб шаклланишига кўмаклашиши шубҳасиз. Аммо...***

«Ҳар тўкисда бир айб», дейдилар. «Рамаяна» фильми намойишидан кейин кўпчилик болалар фильм қаҳрамонларига тақлид қилиб, ўзлари ёғочдан ясаган камон, қилич ва найзалар билан ўйнашиб, кўзларидан жароҳат олган эдилар. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд кўз касалликлари шифохонасида даволаниб, шифо топгач, бу ҳолат ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетганди.

Лекин «Денгиз ҳукмдори» сериали намойиш этила бошлангач, яна шу ҳолат такрорланди. Шу йилнинг февраль ойида 20 нафардан ортиқ бола фильм қаҳрамонларига тақлид қилиб, камон отиб, қиличбозлик ва найзабозлик ўйини ўйнаб, кўзларидан жароҳат олиб, шифохонага келтирилди.

Бу мақолани «антиреклама» ёхуд фильмни қоралаш деб тушунмаслик керак. Аксинча юқорида таъкидлаганимиздек, фильм катта тарбиявий аҳамиятга эга. Фақат ота-оналар бу фильмларни кўраётган болаларига тўғри йўналиш беришлари, уларни назоратсиз қолдирмасликлари лозим.

Кўз инсоннинг ниҳоятда нозик ва энг зарур аъзоларидан саналади. Унинг жароҳатланиши оғир оқибатларга, ҳатто ногирон бўлиб қолишга олиб келади. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги эса кўпроқ биз катталарга боғлиқ. Мактаб, боғча, оилаларда ўқитувчи, тарбиячи ва ота-оналар болаларига камон отиш, қиличбозлик, найзабозлик ўйинларининг оқибатлари, кўзни авайлаб-асраш ҳақида сўзлаб, панд-насиҳат қилсалар назаримда бундай нохуш ҳолатларнинг олди олиниши ҳисса қўшган бўлардик.

**Бахтиёр САИДОВ,**
**Мақсуд РАҲМОНОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

*Шифокор маслаҳати*

# КЎЗЛАРИНГИЗ НУРАФШОН БЎЛСИН

***Кўз қалб гавҳари. Уни кўп нарсага қиёслашади: оҳу кўз, чарос кўз, шаҳло кўз... Бу кўзлар тилда айтолмайдиган дилдаги гапларни унсиз сўзлайди. Ана шу кўзларимизнинг соғломлиги унинг янада жозибали ва гўзал бўлишини таъминлайди. Кўз энг нозик аъзо бўлибгина қолмай, балки бизни бу ёруғ олам билан боғлаб турган восита ҳамдир. Кейинги пайтларда кўриш билан боғлиқ бўлган муаммолар нафақат катта ёшдагиларда, балки ёш болаларда ҳам кўплаб учраб турибди. Шу боис, Тошкент вилояти, Қибрай тумани марказий поликлиникаси кўз шифокори Рустам Содиқов билан суҳбатда бўлдик.***

**– Дадам уйимизга компьютер олиб келдилар, – дея мақтанди Сарвар дўстларига.**

– Зўр бўлибди-ку, ўртоқ. Энди биз ҳам сизларникида компьютер ўйинларидан ўйнар эканмизда. Оймиз берган пул ёнимизга қоладиган бўлди, – дея қувончини яширолмади Бегзод.

*Шундай қилиб ўртоқлар мактабдан келган заҳоти компьютерга тикилиб ўтирадиган, ундаги ҳар хил ўйинларни ўйнайдиган бўлишди. Бундан хабар топган Бегзоднинг онаси уни Сарварларникига чиқармай қўйди. Энди Сарвар битта ўзи компьютер ўйинларини мазза қилиб ўйнарди. Аммо нимагадир кўзининг ичи кундан-кунга қизариб бораверди. Сарварнинг ойиси уни кўз шифокорига олиб чиқди. Мутахассис Сарварнинг кўзини чуқур текшириб, унга «Сурункали коньюнктивит», дея ташхис қўйди.*

**– Сурункали коньюнктивит қандай касаллик?**

– Бугунги кунда болажонлар учун шарт-шароитлар етарли. Деярли кўпчиликнинг уйида компьютер, интернет ва шу каби кўплаб имкониятлар мавжуд. Болаларнинг қизиқувчанлиги боис, улар, айниқса, телевизор ва компьютер қаршисида соатлаб ўтириб, ўйинга қизиқиб кетганидан очиқ ҳавога кам чиқишади. Шунинг учун ҳар бир ота-она фарзандини телевизор ва компьютер қаршисида камроқ ўтиришга рухсат бергани маъқул.

* * *

**Нургул ишдан қайтаётганида қизини олишга боғчага кирди. Нимагадир унинг кўзлари қизарган эди.**

– Нима бўлди?

– Билмадим, – дея жавоб қайтарди қизалоғи.

*Нургул уй ва давлат иши билан бўлиб, унга кўпам аҳамият бермади. Қизининг кўзидаги қизариш қайтмади. Кейин шифокорга мурожаат қилди. Шифокор хулосасидан қизининг касаллик юқтиргани маълум бўлди.*

**– Кўз касаллиги ҳам юқадими?**

– Кўз касаллиги гигиенага риоя қилмасдан умумий сочиқдан фойдаланганда, боғчада, битта ҳовузда чўмилганда юқади. Бунда боланинг кўзи қизаради, йирингли ажралма пайдо бўлади. Агар вақтида шифокорга учрашиб, ундан керакли маслаҳат олинмаса, сурункали шамоллашга ўтиб кетади.

* * *

– Телевизордан уч метр нарироқ ўтир! – дея Ибодат ўғлига танбеҳ берди.

Ўғли сал нарироққа сурилгандек бўлдию, онаси уйдан чиқиши биланоқ, яна телевизорга яқин ўтириб олди. Онаси қанчалик унга танбеҳ берсада, таъсир қилмади. Мактабга борганида нимагадир доскадаги ҳарфлар аниқ кўринмади. Ноилож, ёзувларни ўртоғининг дафтаридан кўчириб олди. Бу ҳақда онасига айтмади. Аммо кўзининг хиралашуви давом этди.

*Бир куни онаси билан кўчага чиққанида узоқни яхши кўролмаслиги билинди. Эртасигаёқ, онаси ўғлини кўз шифокорига олиб чиқди. У миопия хасталигига чалинган эди.*

**– Миопия касаллиги хавфлими?**

– Миопия хасталигини даволаса бўлади. Вақти-вақти билан шифокор ҳузурида бўлиб, унинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилиш лозим. Афсуски, бу касаллик билан қиз болалар хасталанганида уни кўпчилик билдирмайди. Масалан бир танишим келиним идиш-товоқларни тоза ювмайди, дея нолиган эди. Кейинчалик билсам унинг кўзида миопия хасталиги бор экан. Юқори даражали миопияда келинчаклар туғишда қийналади. Шунинг учун гинеколог билан маслаҳатлашган ҳолда болани хирургик йўл билан олишга тўғри келади. Натижада онанинг соғлигига жиддий таъсир қилиб, қайта фарзанд кўрмаслик эҳтимоли юзага келади. Йигитларда эса ушбу касаллик туфайли касб танлаш, ҳарбий хизматни ўташ муаммолари келиб чиқади.

* * *

***Дилнавознинг нимагадир кўзи ёшланадиган бўлиб қолди.*** *У бунга эътибор бермади. Кейинчалик ёруғликка тик қаролмайдиган, чироққа қараганида эса ранг-баранг доиралар кўринди. Кўзи қизариб, қовоқлари шишди. Шифокорга чиқмасдан дорихонага борди. Сотувчидан кўзига томизиш учун бирорта дори беришини сўради. Сотувчи «Сизга атропин яхши ёрдам беради», дея атропин томизғизисини берди. Дилнавоз уйга келган заҳоти уни кўзига томизди. Унинг кўзлари яхши бўлиш ўрнига хиралаша бошлади. Кейин эса кўзлари кўрмай қолди. Дилнавоз глаукома касаллигига чалинган эди.*

**– Глаукомани уй шароитида даволаса бўладими?**

– Глаукома – кўксув, назла – асосан кўз ичи босимининг ортиб кетиши билан кечадиган хроник кўз касаллигидир. Томир ва томир-нерв рефлекси ҳолатининг ўзгариши, кўз ичи суюқлиги оқимининг бузилишига, кўзда суюқлик йиғилиб қолишига олиб келади. Натижада кўз ичи босими кўтарилиб кетади. Кўз ичи босимининг мудом ошиб туриши кўз функциясининг бузилишига, кўриш қобилиятининг пасайишига олиб келиши мумкин. Кўзингизда бирорта ўзгариш юз бердими, дарҳол кўз шифокори билан маслаҳатлашинг. Ўз билганингизча даволаманг.

* * *

**Клара кўзи оғриб юрганини ҳеч кимга айтмади...**

*Афсуски, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек, гоҳида унинг тана ҳарорати кўтарилиб, соғлиги ёмонлаша бошлади. Ниҳоят, дарди зўрайгач, шифокорга мурожаат қилди. Мутахассис унинг кўзини текшириб кўргач, «Кўз неврити», дея ташхис қўйди.*

**– Кўз неврити қандай касаллик?**

– Кўз неврити турли хил кўз касалликларининг асорати сифатида юзага келиб, кўрув нервининг ўткир ва сурункали яллиғланиши билан кечади. Кўз соҳаси ва кўз ичидаги лўқиллаш, бош пешона қисмининг оғриши, кўз соҳаси ва кўз атрофидаги оғриқларнинг қулоқ соҳасига ҳам ўтиши, гоҳида тана ҳароратига таъсир қилади.

Агар бемор кўз шифокорига мурожаат қилмай, даво муолажаларини ўз вақтида олмаса, асорати ёмон бўлиб, доимо боши оғриб юради. Бундан ташқари, кўз соҳаси мушаклари кучсизланиб, соғлигига жиддий таъсир етади. Касалликнинг олдини олиш учун бемор шифокор қабулида бўлиб, керакли тавсия ва муолажалар асосида даволаниши зарур. Шунингдек, вақтинча телевизор кўриш, китоб ўқиш, аччиқ ва шўр нарсалардан парҳез қилишни йўлга қўйиш лозим.

**Суҳбатдош: ХОНБИБИ.**

*Интернет сообщает*

## Умственные способности 115-летней голландки поразили патологоанатомов

Голландка, бывшая самым старым человеком в момент своей смерти в 2005 году, находилась в здравом уме до конца своих дней. Об этом свидетельствуют и слова очевидцев, и прижизненные тесты, и результаты посмертного изучения ее мозга, сообщает MSNBC.

При изучении мозга умершей в 115-летнем возрасте Генрикье ван Андел-Схиппер (Henrikje van Andel-Schipper) из Хоохефеена были выявлены лишь минимальные признаки нейродегенеративных заболеваний, приводящих к нарушению мыслительных функций в пожилом возрасте.

По словам исследователя Герта Хольстеге (Gert Holstege), профессора Университета Гронингена, это первый случай такой сохранности мозга в столь преклонном возрасте. Как правило, в старости мозговое вещество страдает из-за отложения белков, характерных для болезни Альцгеймера, и ухудшения кровоснабжения в результате атеросклероза.

Ван Андел-Схиппер родилась в 1890 году. Ее мать умерла в 100-летнем возрасте, а все братья и сестры прожили дольше 70.

В возрасте 82 лет голландская долгожительница завещала свое тело для изучения Университету Гронингена, в 111 лет она перезвонила и подтвердила свое намерение. Тогда Хольстеге приступил к изучению ее мыслительных функций. К его удивлению, результаты тестов оказались лучше средних показателей для возраста 60-75 лет.

Генрикье ван Андел-Схиппер шутила, что долголетием обязана маринованной сельди. Когда однажды ее попросили дать совет о том, как прожить долгую жизнь, она ответила: "Не прекращайте дышать".

**Материалы основаны на данных Интернета.**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
Здравоохранение Узбекистана

**Газета муассиси:**
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ**
**Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга (i) шартли белгиси қўйилган.

Адади 8474 нусха. Буюртма Г-550.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 20.00. 1 2 3 4 6 7 8